



Буюк Хитой деворини милoddан аввалги III асрда хукмронлик килган император Цинь Шихуанди куришни бошлаган.

Бу улугвор деворни куришдан максад Хитойни шимолдан келадиган кўчманчи халкларнинг хужумларидан, биринчи навбатда хуннлар ва кейинрок мўгулларнинг хужумларидан химоя килиш эди. Император душман армиялари учун енгиб бўлмас тўсик яратишга, ўз ерлари ва ахолисининг хавфсизлигини таъминлашга интилган.

Бирок, тарих кўрсатишича, девор доимо ўз вазифасини самарали бажара олмаган. Чингизхон кўшинлари уни енгиб ўтишга муваффақ бўлган, сўнгги муваффақиятли хужум эса 1933 йилда японларнинг бостириб кириши вақтида содир бўлган.

Хозирги вақтда баъзи олимлар деворнинг курилиши ва вазифаси хақида бошқа, номаълум цивилизация вакиллари уни курган бўлиши мумкинлигини тахмин килиб, муқобил назарияларни илгари сурмокдалар.

Палеоконтактлар Хитой заминида содир бўлган, деган тахминни кадимги Хитой матнларига асосланиб айтиш мумкин. Уларда доно ва инсонпарвар «осмон ўгиллари» (кейинчалик императорлар шундай номлана бошлаган) хақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Кизиги шундаки, бу «осмон ўгиллари»нинг пайдо бўлишидан олдин турли космик ходисалар кузатилган. Масалан, биринчи «осмон ўгли» Хуанди келишидан олдин «катта чакмокнинг нури Кавш (Катта Айик) юлдуз туркумидаги Цзи юлдузини ўраб олди». Хроникаларда айтилишича, Хуандининг ўзи узокрок жойлардан — хатто Арслон юлдуз туркумидан келган. Юз йил давомида Хитойни бошқаришдан чарчагач, у «ўз юлдузига

кайтган».

«Осмон ўгиллари» ўша давр учун (хатто бизнинг давримиз учун ҳам) ақл бовар қилмас техникавий қурилмалар ясаб, улардан фойдаланишган. Юқорида тилга олинган Хуанди «ўн иккита буюк кўзгу ясаб, уларни Ойни қузатиб фойдаланган». Колаверса, кўзгулар ажойиб хусусиятларга эга бўлган. Хроникаларда ўқиш мумкинки, «кўзгуга Қуёш нурлари тушганда, унинг орқа томонидаги барча тасвирлар ва белгилар кўзгу туширган сояда аниқ кўринар эди». Оддий қилиб айтганда, кўзгу шаффоф эди. Ўша Хуандининг тўрт метрлик, Арслон юлдуз туркумига қаратилган «ажойиб уч оёқли таянчлари» ҳам бўлган. «Уч оёқли таянчлар» Хуандининг буйруғи билан жойдан жойга қўчиб юрган, бу пайтда уларнинг ичида нимадир шовқинланиб қайнаган. «Осмон ўғли» ўтмиш ва келажак ҳақида маълумотга эга бўлган, гравитация сирларини билган. У ва унинг ворислари роботлардан, ҳам механик, ҳам биологик, инсонга ўхшаш ва тўлиқ ички органлар мажмуасига эга бўлган роботлардан фойдаланишган. Биринчи «осмон ўғли»ни Ерда «аждар» олиб кетган, у космосга қатта тезликда қўтарилган (матнларда айтилишича, аждар «бир кунда минглаб фарсахни босиб ўтади, унга минган одам эса икки минг йил умр кўради»).

Табиийки, келганлар ва уларнинг ворислари ўз сайёралари аҳолиси билан ҳам, бошқа мумкин бўлган цивилизациялар билан ҳам ўта узок галактикалараро алоқага муҳтож бўлишган. Шу мақсадда Буюк Хитой девори қурилган ва Гизедаги Миср пирамидалари умумий галактикалараро «радиостанция»нинг қисмларига айланган. Уларнинг ёрдамида Ердан келган сигналлар қоинотнинг исталган нуқтасига бир зумда етиб борган. Санкт-Петербурглик муҳандис-электрофизик В.И. Коробейников — қўп марталик «Бурон» космик кемаси учун алоқа тизимларини лойиҳалаштириш билан шугулланган мутахассис шундай гипотезани илгари сурмоқда.

— Бир қарашда Хитой деворини қуриш режаси жуда оддий. Аввалига 7 метр масофада иккита гишт девор тикланган. Уларнинг оралиғи тупроқ билан тўлдирилиб, тошдан қолишмайдиган даражада қаттиқ қилиб зичланган, — дейди Владимир Коробейников. — Бирок, Буюк девор режасини янада чуқурроқ ўрганиш шуни кўрсатадики, унда аниқ математик ҳисоб-қитоблар шифрланган. Қурилиш жойининг ўзи, деворнинг узунлиғи ва конструкцияси электромагнит таъсирлашувларини тасвирловчи Максвелл тенгламалари ечимларининг натижаларига мос келади.

Буюк девор Ляодун бўғозидан мамлакат ичкарасига тахминан 30-географик параллел бўйлаб чўзилган. Бунда нима ажабланоқли, дейишингиз мумкин? Аммо маълумки, экватор Ер шарини икки қисмга ажратади, лекин тенг эмас. Шимолда қуруқлик майдони анча қатта. Агар сайёрани айнан иккига бўлувчи «хаёлий» экватор қизигини ўтказсак, у тахминан 30-параллел бўйлаб ўтади ва ҳақиқий экватор қаби текис бўлмайди. Айнан зигзагсимон «хаёлий» экватор бўйлаб Хитой девори чўзилган, агар уни янада давом эттирсак, у Гизедаги пирамидалар орқали ҳам ўтади.

Ер сайёрасининг ўз электр заряди бор. Хитой девори остида у шимол ва жануб томонга тенг тақсимланади. Коробейниковнинг версиясига кўра, Ер сайёрасининг Галактикада ўзининг электромагнит тўлкини ҳам бор (расмий фан ҳозирча буни тасдиқламайди).

Кимдир Буюк девор оркали электр сигналини ўтказган, бу Ернинг электр зарядини шимол ва жанубий қисмлар ўртасида қайта таксимланишига олиб келган. Ўз навбатида, Ер зарядининг қайта таксимланиши космосга таркалаётган сайёра тўлкинининг тузилишини бир зумда ўзгартирган.

— Бу фанда ҳозирча номаълум бўлган трансцендент (чегарасиз) тезкор алоқа тизимларининг принципи, — таъкидлади Коробейников. — Аммо, агар ҳозир назарий электродинамика бундай нарсаларни тушунишга эндигина яқинлашаётган бўлса, бу ҳақда милоддан аввалги даврда қаердан билишган? «Галактикалараро қабул қилгич»да Миср пирамидалари антенна-резонаторлар ролини ўйнайди. Улар Ернинг ва галактика тўлкинларининг тўлкин узунликлари фарқида «ишлайдиган» космосдан маълумот қабул қилади. Шунинг учун пирамидалар учун жуда аниқ техник параметрлар танланган.

Эҳтимол, Қуёш тизими доирасидаги бундай «радиостанция» ягона эмасдир. Балки, «2-рақамли қабул қилгич» Марсдир? Ҳар ҳолда, Америка сунъий йўлдоши Марс пирамидалари ва сфинксининг суратларини олган, лекин сфинкс кейинги суратлардан қаергадир «йўқолиб қолган». Қелгусида Марсда Буюк Хитой деворига ўхшаш иншоот топилиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, Марс «радиостанцияси» (қисман вайрон бўлган Ердагидан фарқли ўлароқ) соз ҳолатда бўлиб, ундан фойдаланиш мумкин, ёки кимдир фойдаланаётган бўлиши ҳам мумкин.

Агар расмий фан Коробейниковнинг версиясини қабул қилса, унда, албатта, Ердаги галактикалараро «радиостанция»ни тиклаш чоралари қўрилади. Шунда биз космик эфирда қандай маълумот «айланиб юрганини» билиб оламиз. Балки, ерликларга ҳали ҳам Арслон юлдуз туркумида қаердадир яшаётган «осмон ўғли» Хуандининг ўзи жавоб берар?

Абу Муслим тайёрлади